O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
NAVBAHOR TUMANI
HOKIMINING
**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
**РЕШЕНИЕ**
ХОКИМА
НАВБАХОРСКОГО РАЙОНА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Тел: (8-436) 562-11-84, 562-14-76 факс: (8436) 562-18-38, 562-15-82 Навбаҳор тумани Бешработ кўрғони.

**2018 у.(й)** “24” январ **№** 14-42

**Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 345-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи (рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрель, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 17-сон, 229-модда) билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6, 25-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Туманда 2018 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага, қишлоқ

107

000126

хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. "Давтехназорат" инспекциясининг қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича давлат инспектори (К.Султонов)га :

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахслар (мулкдор)га техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юбориш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма бериш;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган тақдирда ҳамда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника,

асбоб-ускуналардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, сақлаш, ҳисобдан чиқариш, таъмирлаш, техника хизматлари кўрсатиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли чораларни кўриш учун туман ҳокимлигига юбориш;

техник кўрикдан ўтказилганлиги учун йиғим ундирилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 345-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомда белгиланган миқдорларга қатъий риоя қилиш топширилсин.

3. Мазкур қарор "Навбаҳор тонги" газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Туман ҳокими** **Б.Бобоназаров**

**К Е Л И Ш И Л Д И :**

1. О.Хайиров - Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (имзо)

2. А.Рахимов - Туман ҳокимининг ўринбосари (имзо)

3. К.Аллаев - Туман ҳокимининг ўринбосари (имзо)

4. С.Турдибоева - Туман ҳокимлиги умумий бўлими мудири (имзо)

5. А.Очилов - Туман ҳокимлиги бош юристконсульти (имзо)

***Тайёрлади:***

Туман қишлоқ хўжалик
техникалари бўйича инспектори: Қ.Сул

Навбахор туман хокимининг
2018 йил 24 январдаги
К-42 -сонли қарорига
1-илова

**Туманда 2018 йилда кишлок хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш**
**Иш режаси**

| Техника номи | Техника русуми | Техник кўрикдан ўтказиш муддати | Техник кўрикдан ўтказиш манзили | Техник кўрикдан ўтказиш санаси |
|---|---|---|---|---|
| Ҳайдов тракторлари | Магнум, Арион-630, TS-135, ВТ-150, Ахос | 09:00-16:00 | Туман "Агротехсервис" МТП МЧЖ ва туман ММТП трактор саройлари | 02.03.2018 йил |
| Чопик тракторлари | ТТЗ-80-11, МТЗ-80-10, ТТЗ-100-11, МТЗ-80 | 09:00-16:00 | | 04.03.2018 йил |
| Транспорт тракторлари | МТЗ-82, ТТЗ-80-10, Т-28х4МС1 | 09:00-16:00 | | 15.08.2018 йил |
| Трактор тиркамалари | 2ПТС-4-793 А | 09:00-16:00 | | 15.08.2018 йил |
| Галла ўриш комбайнлари | Кейс, Клас | 09:00-16:00 | | 02.03.2018 йил |
| Культиваторлар | КХУ-4 | 09:00-16:00 | | 10.03.2018 йил |
| Мелиоратив техникалар | ЭО-652, ЭО-4111, ЭО-3211 | 09:00-16:00 | | 01.06.2018 йил |
| Пахта экиш сеялкалари | Кейс, стх-4 | 09:00-16:00 | | 24.02.2018 йил |
| Ер текислагич | П-4 | 09:00-16:00 | | 27.02.2018 йил |
| Омочлар | ПЯ-3-35 | 09:00-16:00 | | 02.10.2018 йил |
| Чизеллар | ЧКУ-4 | 09:00-16:00 | | 28.02.2018 йил |
| Тишли бараналар | БЗ-1,0 | 09:00-16:00 | | 28.02.2018 йил |
| Пушта олгичлар | КЗУ | 09:00-16:00 | | 28.02.2018 йил |
| Пуркагичлар | ОВХ-600, ВП-1 | 09:00-16:00 | | 26.03.2018 йил |
| Минерал ўгит сепгичлар | НРУ-0,5 | 09:00-16:00 | | 26.03.2018 йил |
| Ўт ўргичлар | Кир-1.5 | 09:00-16:00 | | 20.04.2018 йил |
| Юклагичлар | LW-500F, XG-955H | 09:00-16:00 | | 01.06.2018 йил |
| Зичлаб боғлагичлар | Маркант-55, ПС-1.6 | 09:00-16:00 | | 10.04.2018 йил |
| Галла экиш сеялкалари | Амазонка | 09:00-16:00 | | 10.06.2018 йил |

112

Туман ҳокимининг
2018 йил 24 январдаги
К-42 -сонли қарорига
2-илова

**Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, тахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби**

К.Султонов - Навбаҳор туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича инспектори, комиссия раиси

**А Ъ З О Л А Р И**

М.Тошев - Туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиги уринбосари.

А.Сафаров - Туман ИИБ ЙҲХБ бошлиги.

Ф.Рузиев - Туман Фермерлар кенгаши раиси.

С.Турдиев - Туман "Агротехсервис"МТП МЧЖ раҳбари.

**Навбаҳор туман қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича Давлат инспектори** К.Султонов